

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори
А.Юнусовнинг “Ўзбекистон Матбуоти” V миллий кўргазмаси
очилиши маросимидаги
табрик сўзи**

Хурматли кўргазма иштирокчилари, азиз меҳмонлар!

Жаноблар ва хонимлар!

Авваломбор, барчангизга “Ўзбекистон Матбуоти” Бешинчи Миллий кўргазмасига ташрифингиз учун чин дилдан миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсизлар!

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳар йили ўтказилиб борилаётган “Ўзбекистон матбуоти” V Миллий кўргазмаси яна бир бор соҳада эришган ва эришаётган ютуқларимизни намойиш қилиш имкониятидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Вазирлар Маҳкамасининг бевосита кўмагида ташкил этилган мазкур нуфузли кўргазмада республикамизнинг юзлаб босма даврий нашрлар ва нашриётлар иштирок этиб, матбуот ва ахборот соҳасида эришилган ютуқларни кенг маҳаллий ва халқаро жамоатчиликка намойиш этмоқдалар.

Давлатимиз раҳбарининг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да соҳа ривожини учун ўта муҳим стратегик вазифаларнинг белгиланиши оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳалари учун янги тараққиёт даврини бошлаб берди.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти ва инвестицион имкониятларининг изчил юксалиб бориши оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ҳамда матбаа корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берётганлиги диққатга сазовордир.

Соҳанинг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши замирида мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлиги таъминлаш, қолаверса, юртимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш каби эзгу мақсадлар мужассам эканини алоҳида қайд этиш лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мустақил тараққиёт йиллари нафақат оммавий ахборот воситалари, балки миллий матбаачилигимиз, нашриётларимиз учун ҳам том маънода юксалиш даври бўлди.

Бугун ушбу Кўргазма доирасида республикамизда фаолият юритаётган нашриётларнинг босма маҳсулотларини, хусусан нашр этилган болалар китобларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш ҳамда маънавий-бадий жихатдан юксак савиядаги адабиётлар нашр этилишини қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш мақсадида Иккинчи “Болалар адабиёти” кўргазмаси ҳам ташкил этилган.

Унда пойтахтда фаолият юритаётган энг илғор ва етакчи нашриёт ва матбаа корхоналари ўзларининг юртимиз аҳолиси, айниқса ўсиб келаётган ёшларнинг маънавий-маърифий эҳтиёжини қондиришга қаратилган илмий-бадий адабиётлари билан иштирок этмоқда.

Мазкур кўргазма доирасида нашриётлар томонидан сўнгги йилларда чоп этилган янги китобларининг тақдимотлари, уларнинг муаллифлари, таниқли шоир ва ёзувчилар ҳамда ношир ва матбаачилар билан мулоқотлар ҳам ўтказилади.

Тадбирга ташриф буюрганлар оммавий ахборот воситалари ва етакчи нашриётлар томонидан ташкил этилган кўргазма стендларини томоша қиладилар. Даврий босма нашрлар, ноширлар, матбаачилар меҳнати самарасининг тарғиботига бағишланган тадбирларда ўзбек матбуоти ва адабиёти, ноширчилиги ва матбаачилиги ютуқларини таҳлил этиш, босма маҳсулотларга бўлган аҳоли эҳтиёжи, бозор конъюнктураси ва маркетинги масалалари борасидаги мавжуд муаммолар ўрганилади, соҳанинг тараққиёт йўналишлари ва тенденциялари белгиланади.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

"Ўзбекистон матбуоти" миллий кўргазмаси ва “Болалар адабиёти” кўргазмаси доирасида "Йилнинг энг яхши китоби" республика кўрик танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Шак-шубҳасиз ташкил этилаётган ушбу тадбирлар Республикамизда фаолият юритаётган нашриётлар, матбаа корхоналарининг бугунги ижодий салоҳиятини, техник-технологик имкониятини, ишлаб чиқариш қувватини намойиш этибгина қолмасдан, балки шу билан бирга истиқлол йилларида юртимизда Матбуот ва ахборот соҳасини ривожлантириш борасида қабул қилинган Давлатимиз қонунлари, Ҳукумат қарорларининг амалий натижасининг ўзига хос кўзгуси ҳамдир.

Барчангизни яна бир бор мамалакатимиз ижтимоий, маънавий ҳаётидан муҳим воқеа “Ўзбекистон Матбуоти” Бешинчи Миллий кўргазмасининг очилиши билан чин юракдан табриклайман. Кўргазма иштирокчиларига фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилаб, Ташкилий кўмита номидан миннатдорчилик изҳор этаман!

Эътиборларингиз учун раҳмат!